

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ш.Турсунов, судья ёрдамчиси М.Раббимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оқдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи С.Ж ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Кенжаев ҳамда жабрланувчи А.Рнинг иштирокида, С.Жга нисбатан 1-1411-2501/225-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

2004 йил 10 июль куни Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, ишсиз, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “А.Навой” қишлоғида яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2025 йил 29 октябрь куни олган, **С.Ж** (С.Ж)

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Ж, 2025 йил 13 июнь куни соат 19:30лар чамасида, Оқдарё тумани “А.Темур” маҳалласида жойлашган фуқаро М.Баратовга тегишли савдо дўконининг ёнида, А.Р билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида А.Рни савдо дўконига чиқувчи зинанинг устига йиқитиб, қўллари ва оёқлари билан танасини турли соҳаларига бир неча маротаба уриб-тепиб, жабрланувчи А.Рга ҳаёт учун хавфли бўлмаган соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказган.

Судланувчи С.Ж суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни 2025 йил 13 июнь куни соат 18:00ларда Шариф исмли танишнинг автомашинасини ювиб келиб, йўлнинг четки қисмига қўйганлигини, шундан сўнг Достон исмли танишининг савдо дўконига З.Исмамов ва Шариф исмли танишлари билан ишлаётганлигини, А.Р ўзининг бошқрувида бўлган “Дамас” русумли автомашинасини тез ҳайдаб келиб, ювиб келган автомашинасига сув сачратиб кетганлигини, шу вақти А.Рга автомашинани ювиб келганлиги сабабли автомашинани ювиб беришини айтганлигини, шунда А.Р автомашинани ювиб бермаслигини айтганлиги сабабли ўзаро тортишиб қолганлигини, шундан сўнг З.Исмамов А.Рга ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан автомашинани ювишини айтганлигини, шунда иккаласи тортишиб



кетганлигини, З.Исмаилов савдо дўконидан чиқиб, А.Рни бир мушт урганлигини, шу вақти А.Р ҳолатини йўқотганлигини, шунда М.Баратов савдо дўконидан чиқиб З.Исмаиловни ажратиб тортиб кетганлигини, шундан кейин А.Рни савдо дўконига чиқувчи зинанинг устига йиқитганлигини, қўллари ва оёқлари билан танасини турли соҳаларига бир неча маротаба уриб-тепганлигини, ҳақиқатдан ҳам дастлабки тергов вақтида А.Рни З.Исмаилов урмаганлигини айтиб кўрсатма берганлигини, чунки бир неча маротаба З.Исмаилов “ҳеч кимга айтма, бўйнингга ол” деганлигини, бундан ташқари, З.Исмаилов бир неча маротаба “қочиб кет” деганлигини, лекин шу куни З.Исмаилов А.Рнинг ўнг қулоқ томонига бир мушт урганлигини, бошқа урмаганлигини, бир неча маротаба А.Рни яшаш уйига оила аъзолари билан бориб кечирим сўраганлигини, ҳозирги кунда айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини айтиб кўрсатма берди.

Судланувчи С.Ж эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қўйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топди:

жумладан, жабрланувчи А.Рнинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам ўзига тегишли бўлган автомашинада Оқдарё туманида жойлашган савдо дўконларига музқаймоқ етказиб бериш ишлари билан шуғулланишлигини, 2025 йил 13 июнь куни соат 19:30ларда ўзига тегишли бўлган “Дамас” русумли, давлат рақами 30 Y 153 EA бўлган автомашинасида музқаймоқ етказиб бериш мақсадида, Оқдарё тумани “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.Маратовни савдо дўконига борганлигини, М.Маратовга музқаймоқ бермоқчи бўлиб, М.Маратовни чақирганлигини, М.Маратов олдига келганида, С.Ж “автомашинани юв” деганлигини, дастлаб тушунмасдан М.Баратовга гапираётганида, С.Ж яна “ҳой эшитмаябсанми, автомашинага сув сачратдинг, автомашинани юв” деб автомашинасини кўрсатганлигини, шунда С.Жга автомашинасига сув сачратмаганлигини тушунтираётганида, З.Исмаилов ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан автомашинани юв деганлигини, шунда унга “нега аралашаябсиз” деганлигини, З.Исмаилов келиб ўнг қулоқ томонига бир мушт урганлигини, шундан сўнг С.Ж келиб кўтариб, савдо дўконига чиқувчи зинанинг устига йиқитганлигини, қўллари ва оёқлари билан танасини турли соҳаларига бир неча маротаба уриб-тепганлигини, шунда бошини ўнг томони ёрилиб қон оқа бошлаганлигини, шундан сўнг уларни М.Баратов ажратганлигини, соғлиги ёмонлашганлиги сабабли туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилганлигини, 2025 йил 13 июнь куни З.Исмаилов ва С.Жлар уриб тан жароҳати етказганлигини, З.Исмаилов ўнг қулоқ томонига бир мушт урганлигини, 2025 йил 13 июнь куни жанжал давомида ҳеч кимни ҳақорат қилмаганлигини, ҳозирги кунда З.Исмаилов ва С.Жларга нисбатан даъвоси борлигини, З.Исмаилов ва С.Жларга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ З.Исмаиловнинг суд мажлисидаги, 2025 йил 13 июнь куни соат 18:00ларда Достон исмли танишининг савдо дўконининг танишлари С.Ж ва Шариф исмли танишлари билан биргаликда таъмирлаётганлигини, С.Ж Шариф исмли танишини автомашинасини ювиб келиб, йўлни четки қисмига ёнганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, савдо дўконини ички қисмида

ишлаётган вақтида ташқаридан бошқа бир автомашинанг овози эшитилганлигини, шундан сўнг С.Ж А.Рга ювиб келган автомашинасини сув сачратганлиги сабабли ювиб беришини айтганлигини, Р.Аббасов “нима диябсан” деб С.Жга бақирганлиги, шундан сўнг А.Рни ҳақоратлаб “ювиб бер” деганлигини, шунда А.Рга “сен нега аралашаябсан” деганлигини, шу вақти жаҳли чиқиб, А.Рни ўрмоқчи бўлиб борганлигини, А.Рни урмоқчи бўлганида уни М.Баратов келиб тортиб қолганлигини, шундан сўнг С.Ж келиб А.Рни қучоқлаб дўконга кирадиган зинага йиқитганлигини, С.Ж А.Рни бир неча маротаба тепганлигини, 2025 йил 13 июнь куни А.Рни урмаганлигини, фақат А.Рни ҳақоратли сўз билан ҳақорат қилганлигини, судда судланувчи С.Ж ёлғон кўрсатма бераётганлигини, чунки шу куни А.Рни урмаганлигини, бундан ташқари С.Жга “ҳеч кимга айтма, буйнинг ол” деб айтмаганлиги, “қочиб кет” деб ҳам айтмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ З.Болиеванинг суд мажлисидаги, 2025 йил 13 июнь куни соат 19:30ларда Оқдарё тумани, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган савдо дўкониди, телевизор кўриб ўтирганлигини, ташқарида бақир-чақир овозини эшитилганлиги, шу вақти ташқарига чиқиб қараганлигини, М.Баратовнинг дўконини ёнида, А.Р билан С.Ж ўзаро жанжаллашиб турганлигини, жанжалига аралашмасдан савдо дўконига кириб кетганлигини, А.Рни ким урганлигини кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ М.Қодированинг суд мажлисидаги, Оқдарё тумани, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган савдо дўкони мавжудлигини, савдо дўконига А.Р музқаймоқ етказиб беришлигини, 2025 йил 13 июнь куни соат 19:30ларда турмуш ўртоғи М.Баратов билан савдо дўкониди ишлаётганлигини, А.Р бошқарувидаги “Дамас” русумли давлат рақами 30 Y 153 EA бўлган автомашинасида музқаймоқ олиб келиб савдо дўконини ёнига тўхтаганлигини, шундан сўнг С.Ж А.Р билан ўзаро тортишиб қолганлигини, турмуш ўртоғи бақир-чақирни эшитиб савдо дўконидан ташқарига чиққанлигини, турмуш ўртоғининг орқасидан у ҳам ташқарига чиққанлигини, ташқарига чиққан вақтида, турмуш ўртоғи З.Исмаитовни қучоқлаб, тортиб кетганлигини кўрганлигини, шу вақти С.Ж А.Рни савдо дўконига чиқадиган зинага йиқитганлигини, А.Р йиқилган вақтда, С.Ж бир-неча маротаба қўл ва оёқлари билан уни уриб-тепганлигини, шундан сўнг А.Рни боши ёрилиб, қон оқа бошлаганлигини, орадан бир оз вақт ўтиб, тез ёрдам келиб, А.Рни олиб кетганлигини, 2025 йил 13 июнь куни С.Ж А.Рни зинага йиқитганлигини ва қўл ва оёқлари билан уриб-тепганлигини, З.Исмаитов А.Рни урганлигини кўрмаганлигини, шу куни фақат савдо дўконидан турмуш ўртоғининг орқасидан чиққан вақтида турмуш ўртоғи З.Исмаитовни тортиб кетганлигини кўрганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ М.Баратовнинг суд мажлисидаги, Оқдарё тумани, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган савдо дўкони мавжудлигини, савдо дўконига А.Р музқаймоқ етказиб бериб келшлигини, 2025 йил 13 июнь куни соат 19:30ларда савдо дўкониди турмуш ўртоғи М.Қодирова билан савдо қилаётганида, А.Р бошқарувидаги “Дамас” русумли давлат рақами 30 Y 153 EA бўлган автомашинасида музқаймоқ олиб келганлигини, савдо дўконини ёнига



тўхтаганлигини, шундан сўнг С.Журқулов билан А.Р ўзаро тортишиб қолишганлигини, бақир-чақир овозларини эшитиб, савдо дўконидан ташқарига чиққанлигини, С.Журқулов билан А.Р бир-бири билан оғзаки жанжаллашаётганлигини кўрганлигини, шундан сўнг З.Исмамов жанжалга аралашиб кетмаслиги учун З.Исмамовни тортиб тўхтатганлигини, шунда С.Ж А.Рни савдо дўконига чиқадиган зинага йиқитганлигини, А.Р йиқилган вақтда, С.Ж бир неча маротаба кўл ва оёқлари билан танасига уриб-тепганлигини, шундан сўнг А.Рни боши ёрилиб қон оқишни бошлаганлигини, орадан бир оз вақт ўтганидан сўнг А.Рни тез ёрдам келиб туман тиббиёт бирлашмасига олиб кетганлигини, 2025 йил 13 июнь куни З.Исмамов жанжалга аралашиб кетмаслиги сабабли уни қучоқлаб ажратганлигини, З.Исмамов А.Рни урганлигини кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Ш.Абдуллаевнинг суд мажлисидаги, А.Рнинг яъни ўнг кўлоқ супраси юмшоқ туқималари лат олиши, ўнг тизза бўғими соҳасида шилинма, бошининг тепа соҳасида урилиб йиртилган яра, 1-2-3-бел умуртқаларининг ўнг ён ўсиқларининг синиши каби жароҳатлар мавжудлиги аниқланганлигини, ушбу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсиридан етказилганлигини, ушбу жароҳатлар соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келувчи “ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига киришлигини, ҳақиқтадан ҳам текширув вақтида А.Рнинг ўнг кўлоқ супраси юмшоқ туқималари лат олиши каби тан жароҳати мавжудлиги аниқланганлигини, бироқ ушбу тан жароҳати “енгил тан жароҳатлар” туркумига киришини, лекин “ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари” бевосита бошининг тепа соҳасида урилиб йиртилган яра ва 1-2-3-бел умуртқаларининг ўнг ён ўсиқларининг синиши натижасида келиб чиққанлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-шунингдек, жиноят ишидаги яъни 2025 йил 14 июлдаги оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси (и.в. 3), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг жабрланувчи А.Р номига берилган №2096-сонли экспертиза хулосаси ва унга илова қилинган касаллик тарихи (и.в. 22-44), 2025 йил 30 августдаги жабрланувчи А.Р билан судланувчи С.Жлар ўртасидаги юзлаштириш байённомаси (и.в. 76-79), 2025 йил 30 августдаги жабрланувчи А.Р билан гувоҳ З.Исмамовлар ўртасидаги юзлаштириш байённомаси (и.в. 80-81), 2025 йил 30 августдаги судланувчи С.Ж билан гувоҳ З.Исмамовлар ўртасидаги юзлаштириш байённомаси (и.в. 82-85), 2025 йил 13 сентябрдаги кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тўғрисидаги байённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.95-103) ҳамда бошқа жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.



Юқорида келтирилган далиллар мажмуи билан судланувчи С.Жнинг жиноят содир этганликдаги айби тўлиқ ўз исботини топгани сабабли, суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Жнинг содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган Жиноят Кодексининг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, соғлиқнинг узок вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчи А.Рнинг, 2025 йил 13 июнь куни уни З.Исмамов билан С.Жлар уни уриб тан жароҳати етказганлиги, шу сабабли З.Исмамовга ҳам қонуний чора кўриш учун жиноят ишини дастлабки терговга қайтариш ҳақидаги важлари билан келишмайди.

Чунки, судда сўралган гувоҳ З.Исмамов, 2025 йил 13 июнь куни жаҳли чиқиб, А.Рни ўрмоқчи бўлиб борганида, М.Баратов келиб тортиб қолганлиги, шундан сўнг С.Ж келиб, А.Рни кучоқлаб дўконга кирадиган зинага йиқитганлиги ва С.Ж А.Рни бир неча маротаба тепганлиги, шу сабабли 2025 йил 13 июнь куни А.Рни урмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Шунингдек, судда сўралган гувоҳ М.Қодирова, 2025 йил 13 июнь куни С.Ж А.Рни зинага йиқитганлиги ва қўл ва оёқлари билан уриб-тепганлигини кўрганлиги, З.Исмамов А.Рни урганлигини кўрмаганлиги, шу куни фақат савдо дўконидан турмуш ўртоғининг орқасидан чиққан вақтида турмуш ўртоғи З.Исмаитовни тортиб кетганлигини кўрганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Бундан ташқари, судда сўралган гувоҳ М.Баратов, 2025 йил 13 июнь куни С.Журкулов билан А.Р бир-бири билан оғзаки жанжаллашаётганлигини кўрганлиги, шундан сўнг З.Исмамов жанжалга аралашиб кетмаслиги учун З.Исмаитовни тортиб, тўхтатганлиги, шунда С.Ж А.Рни савдо дўконига чиқадиган зинага йиқитганлиги, А.Р йиқилган вақтда, С.Ж бир неча маротаба қўл ва оёқлари билан танасига уриб-тепганлиги, 2025 йил 13 июнь куни З.Исмамов жанжалга аралашиб кетмаслиги учун уни кучоқлаб ажратганлиги, З.Исмаитов А.Рни урганлигини кўрмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Шунингдек, жиноят ишининг дастлабки тергови жараёнида, жабрланувчи Р.Аббосавнинг 2025 йил 13 июнь куни уни З.Исмаитов уриб тан жароҳати етказганлиги, шу сабабли З.Исмаитовга ҳам қонуний чора кўриш ҳақидаги важлари хар томонлама, атрофлича, синчковлик билан текширилиб, жабрланувчи Р.Аббосавнинг ушбу кўрсатмалари ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли З.Исмаитовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли жиноят ишининг ушбу қисми ҳаракатдан тугатилган, Бундан ташқари З.Исмаитовни жиноятга алоқадорлиги ёки тергов органи томонидан қабул қилинган қарорни шубҳа остига қўювчи далиллар суд муҳокамасида ҳам аниқланмади.

Ҳудди шунингдек, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши қатнашиши учун жиноий оқибат иштирокчи



кучларининг бирлашишидан келиб чиқади, бу ҳаракатлар улар учун умумий оқибатга сабаб бўлишлиги кўрсатилган.(М.Рустамбоев ЖК шарҳ)

Бироқ, судда сўралган гувоҳ эксперт Ш.Абдуллаев жабрланувчи А.Рнинг яъни ўнг тизза бўғими соҳасида шилинма, бошининг тепа соҳасида урилиб йиртилган яра, 1-2-3-бел умуртқаларининг ўнг ён ўсиқларининг синиши каби жароҳатлар мавжудлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсиридан етказилганлиги, ушбу жароҳатлар соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келишлиги, шунинг учун “Ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига киришлиги ҳақида кўрсатма берган.

Ҳудди шунингдек, судда сўралган судланувчи С.Ж 2025 йил 13 июнь куни А.Рни савдо дўконига чикувчи зинанинг устига йиқитганлигини, қўллари ва оёқлари билан танасини турли соҳаларига бир неча маротаба уриб-тепганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 16 бандида “Баданга қасддан оғир, ўртача оғир, соғлиқни унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши кераклиги,

Ҳудди шунингдек, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2025 йил 16 октябрь кунидаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан З.Исмамовга оид тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан З.Исмамовнинг ҳаракатларида ЖКнинг 105-моддаси назарда тутилган жиноят аломатлари бор ёки йўқлигига ҳуқуқий баҳо бериб қўшимча суриштирув ҳаракатлари олиб боришлик учун МЖТКнинг 278-моддаси тартибида Оқдарё туман прокуратурасига юборилганлиги, суриштирув ҳаракатлари давомида З.Исмамовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли унга оид тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан бўлган иши жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман суди томонидан 2025 йил 6 октябрь куни мазмунан кўриб чиқилиб ҳуқуқбузар З.Исмамовга МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисмидан назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик деб топилиб унга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Суд, С.Жга жазо тайинлашда, унинг айбига иқдорлигини, қилган ишидан пўшаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, биринчи маротаба жиноят сўраганлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этади.

Суд судланувчи С.Жга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

шу билан бирга С.Жга нисбатан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, унинг келгусида жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида ва жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз ўзининг доимий яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби кўшимча тақиқларни юклашни ҳамда ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

жабрланувчи А.Рга эса унга етказилган моддий ва маънавий зарарларини ундириш юзасидан суд мажлисида зарар миқдори тўғрисида ҳужжатлар такдим қилмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ, келгусида фуқаровий даъво қўзғатиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтиришни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Юқоридгиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

С.Ж (С.Ж) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

С.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан Оқдарё тумани “А.Темур” маҳалла фуқаролар йиғини “Навоий” қишлоғидаги доимий яшаш уйидан у ёки бу сабаб билан тарк этиш бутунлай тақиқланган ҳолда 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасига асосан озодликни чеклаш давомида;



-ишга кирган тақдирда ишлаш вақтидан ташқари вақтда, шунингдек, иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари яшаш жойидан чиқиш;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

С.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисми талаби, яъни жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Оқдарё туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг С.Жга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Рга унга етказилган моддий ва маънавий зарарларини ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ, келгусида фуқаровий даъво кўзғатиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нухасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргач ушбу судга кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

Ш.Турсунов

“Ҳукм нухаси аслига тўғри”

Ш.Турсунов

